КУТУБХОНАСИ

2008 ЙИЛ, 27 НОЯБРЬ, ПАЙШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 232 (11.293) Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

### Қисқа сатрларда

• **МИРЗО** Улуғбек туманида туман ҳокимлиги, Маънавият тарғибот маркази, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ЁИҲ туман бўлимлари, туман халқ таълими бўлими ҳамда туман ўқувчилар ижодиёт маркази ҳамкорликларида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 16 йиллигига бағишлаб «Бахтимиз қомуси» мавзуида тадбир ўтказилди.

• **КЕЧА** Шайхонтоҳур туманидаги «Бўстон» маҳалласи гузарида туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси, Маънавият тарғибот маркази, «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлимлари ҳамкорлигида маҳалла фаоллари, ёшлари иштирокида уюштирилган давра суҳбати «Жамият ва сиёсат» деб номланди.

• **КЕЧА** Миробод туманидаги Ғафур Ғулом номли маданият уйида бадиий ҳаваскорлик жамоалари иштирокида Ёшлар йилига бағишлаб «Мусиқага ошно кўнгиллар» мавзуида ўтказилган тадбир 213-мактаб ҳамкорлигида уюштирилди.

• **РЕСПУБЛИКА** ўқувчилар саройида Мирзо Улуғбек туман халқ таълими бўлими ҳамда туман ўқувчилар ижодиёт маркази ҳамкорлигида «Китоб — қалбим чироғи» мавзуида уюштирилган тадбирда ёшлар иштирок этишди.

• **КЕЧА** Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Ҳамза туман Кенгашининг навбатдаги III пленуми бўлиб ўтди. Унда ёшлар билан ишлаш масалаларини янада такомиллаштириш вазифалари кўриб чиқилди.

*(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).*

*Хорижий инвестициялар — иқтисодиётга*

## ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИБ









**ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА, ШУНИНГДЕК, МАҲАЛЛИЙ АҲОЛИНИ ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШДА ХОРИЖИЙ САРМОЯДОРЛАРНИНГ ҲАМ МУНОСИБ ҲИССАЛАРИ БОР. УЛАРНИНГ САФИ ЙИЛ САЙИН ОРТИБ БОРИШИДА ЭСА ДАВЛАТИМИЗ ТОМОНИДАН ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТОРЛАРИ УЧУН ЯРАТИЛГАН ҚУЛАЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАР, ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ҚЎЛ КЕЛМОҚДА.**

Шаҳримизда 2005 йилдан фаолият юритаётган «INTER SOK» қўшма корхонаси ҳам яратилаётган имкониятлардан ўринли фойдаланаётган корхоналар сирасига киради. Шу ўтган қисқа давр мобайнида «Сочная долина» савдо белгиси билан ишлаб чиқарилаётган нектар ва шарбатлар ички бозоримизда муносиб ўрин топдики, бунинг асосий боиси маҳсулот сифати ҳамда унинг бежирим қадоқланишига қаратилган юксак эътибордир. Яқинда мазкур корхона тадбиркорлари янги хорижий технологияни ишга туширишга муваффақ бўлишди. Унинг қуввати билан жамоа аҳли томонидан бир кунда 100 минг литр сифатли шарбат идишларга қадоқланади.

— Янги технологик линия шарофати билан, — дейди қўшма корхонанинг ижрочи директори Роман Конюка, — маҳсулотларимизнинг харидоргирлиги таъминланади. Боиси, ушбу технология ёрдамида шарбатлар асептик қадоқланади, яъни идиш — картон, фольга ҳамда бир неча қават полиэтилендан иборат бўлиб, маҳсулотнинг сақланиш муддати узайди, сифати эса юқори сақланади, муҳими, инсон саломатлигига зарар етказмайди (консервантлардан ҳоли маҳсулот ишлаб чиқарилади). Зеро, барча шарбат ва нектарлар тайёрлашда сунъий қўшимчалар, бўёқлар қўлланилмайди.

Республикамизнинг серҳосил ерларида етиштирилган сархил мевалардан ушбу корхона цехларида ўрнатилган Швейцариянинг «Tetra Pak» компанияси, Россия давлатининг юксак унумли технологик линия, дастгоҳ ва ускуналари ёрдамида ишчи-хизматчилар сифатли ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришмоқда. Корхонада маркетинг ишларига катта аҳамият берилгани боис ҳам харидор талаби мунтазам ўрганиб борилади. Бу ўз навбатида маҳсулотларнинг харидоргир турларини яратишда, тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади, уларнинг республика бўйлаб харидорлари сафи ортишини таъминламоқда.

Аниқ мақсад, пухта тузилган режа эса қўшма корхона жамоаси аҳлини барча имкониятлардан оқилона фойдаланиш, янгилик яратиш, муваффақиятларини ошириш йўлида астойдил меҳнат қилишга ундамоқда.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

**СУРАТЛАРДА: «INTER SOK» қўшма корхонасида яқинда ишга туширилган замонавий, юксак унумли технологик линия жамоа аҳлига ҳақиқий мададкор бўлмоқда.**

**Алексей Попов олган суратлар**

**Илгари хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида ўн олтинчи ялпи мажлисга тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.**

**26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитасининг 2009 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичларни, солиқ ва бюджет сиёсатининг йўналишларини ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги Давлат бюджети параметрларини муҳокама қилишга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.**

## БЮДЖЕТНИНГ УСТУВОР ЖИҲАТЛАРИ ВА ИЖТИМОИЙ ЙЎНАЛИШИ САҚЛАНДИ

Қатнашчилар мамлакатнинг келаси йилги асосий молиявий ҳужжатини муҳокама қилар эканлар, 2009 йилги солиқ-бюджет сиёсатига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган устувор йўналишлар асос қилиб олинганлигини таъкидладилар. Хусусан, иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш давом эттирилиши назарда тутилмоқда.

2009 йилги солиқ-бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари макроиқтисодий барқарорликни, Давлат бюджетининг даромадлар базасини янада мустаҳкамлаш, солиқлар тўпланишини ошириш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш, бюджет харажатлари ўз вақтида ва тўла-тўкис амалга оширилишини таъминлаш чораларини назарда тутади.

Мажлис қатнашчилари Давлат бюджетининг ижтимоий йўналиши юксак даражада эканлигига, хусусан, фуқароларнинг даромадлари изчиллик билан ошириб борилишига, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимида, шунингдек, ижтимоий ҳимоя соҳасида аҳолига кўрсатилаётган хизматларнинг яхшиланишига эътиборни қаратдилар. Шу билан бир қаторда 2009 йилги бюджетни шакллантиришда иқтисодиётнинг барқарор ва мувозанатли ўсишини, унинг эркинлашуви ҳамда модернизациялашувини таъминлаш, бизнесни ривожлантириш ва инвестициялар жалб этиш учун қулай шароитлар яратиш асосий жиҳат бўлиб қолди.

2009 йилги бюджет сиёсатининг аҳоли даромадлари ва фаровонлигини оширишга қаратилган устувор йўналишларидан бири бюджет соҳаси ходимларининг иш ҳақларини, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақаларни 2010 йилгача 2,5 баравар ошириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан қўйилган вазифа бажарилишини таъминлашдан иборат эканлиги қайд этилди.

Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда уларнинг фаолиятини янада яхшилаш, ёшларни миллий ҳамда жаҳон мусиқий ва тасвирий санъатининг юксак намуналарига дохил қилиш учун зарур шароитларни яратиш мақсадида 2009 йилдан бошлаб мусиқа ва санъат мактаблари қурилишига, уларни реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашга, шунингдек, мусиқа асбоблари ва махсус инвентарлар билан жиҳозлашга Давлат бюджетидан маблағ ажратиш назарда тутилмоқда.

Давлат бюджетида умумтаълим мактабларини ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини ошириш, қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашни яхшилашга қаратилган давлат мақсадли дастурларини амалга ошириш учун зарур маблаглар ажратиш назарда тутилаётганлиги ҳам қайд этиб ўтилди.

Шу билан бирга, мелиорация тармоқларини реконструкциялаш, таъмирлаш ва тозалашни, камунум ерларда пахта етиштираётган фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш чораларини назарда тутувчи Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш дастурини амалга ошириш тадбирларини молиялаш ҳажмларини кўпайтириш режалаштирилмоқда.

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини бундан буён ҳам қўллаб-қувватлаш ва уларнинг жадал ривожланишини рағбатлантириш мақсадида улар учун ягона солиқ тўловининг амалдаги таянч ставкасини 8 фоиздан 7 фоизга тушириш таклиф қилинмоқда. Хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган юридик ва жисмоний шахсларнинг белгилаб қўйилган даромад солиғи миқдорини камайтириш ҳам назарда тутилмоқда.

Ушбу чораларнинг қабул қилиниши янги иш ўринлари яратилишига, аҳолининг иш билан бандлиги ва унинг фаровонлиги ошишига ёрдам беради, якка тадбиркорлик билан машғул кишилар кўпайиши ҳисобига солиқ солинадиган базанинг кенгайиб бориши кучаяди.

Келаси йилда Давлат бюджетининг ғазна ижроси механизмини такомиллаштириш, бюджет маблағларидан ўз ўрнида фойдаланилишини самарали ва таъсирчан назорат қилишни таъминлаш, бюджетдан ажратилаётган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имконини берадиган норматив молиялаш усулларини қўллашни кенгайтириб, харажатларни мақбуллаштириш ишлари ҳам давом эттирилади.

Муҳокама якунлари бўйича сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги Давлат бюджетини маъқуллаш ҳамда уни Сенатнинг ўн олтинчи ялпи мажлиси кун тартибига киритиш ҳақида қарор қабул қилдилар.

Қўмита мажлисида сенаторлар, манфаатдор вазирлик ва идораларнинг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

**(ЎзА)**

## ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ

**ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 27 ОКТЯБРИДАН 1 НОЯБРИГАЧА БЎЛИБ ЎТГАН ИККИНЧИ РЕСПУБЛИКА САНОАТ ЯРМАРКАСИ ВА КООПЕРАЦИОН БИРЖАСИДА УМУМИЙ ҚИЙМАТИ 1,4 ТРИЛЛИОН СЎМДАН ОРТИҚ ҚАРИЙБ 1500 ТА ШАРТНОМА ИМЗОЛАНДИ. ТАДБИР ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ 2007 ЙИЛ 12 НОЯБРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН «ИЧКИ ТАРМОҚ ВА ТАРМОҚЛАРАРО САНОАТ КООПЕРАЦИЯСИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ ИЖРОСИ ДОИРАСИДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.**

“Ўзэкспомарказ”да ўтказилган матбуот анжуманида ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг биринчи ўринбосари Н.Нажимов шу ҳақда ахборот берди. Унда Республика саноат ярмаркаси ва кооперацион биржасини ўтказиш бўйича доимий фаолият кўрсатадиган ташкилий қўмита вакиллари иштирок этди ва журналистларнинг саволларига батафсил жавоб берди.

Таъкидландики, давлатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан мамлакатимиз иқтисодиётини янада модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича белгиланган вазифалар, энг аввало, маҳсулотнинг ички ҳамда ташқи бозорда рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилган. Шу мақсадда ҳозир яхши анъанага айланган Республика саноат ярмаркаси ва кооперацион биржаси ташкил этилди.

Иккинчи Республика саноат ярмаркаси ва кооперацион биржасида мамлакатимиздаги 276 та саноат корхонаси ва ташкилот иштирок этди. Уларнинг ярми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси вакилларидир. Эътиборли жиҳати шундаки, бу 2007 йилги кўрсаткичлардан анча юқори бўлиб, тадбиркорларнинг ишлаб чиқаришни оптималлаштириш учун турдош субъектлар билан яқин кооперация алоқалари ўрнатиш, маҳаллий хомашё, материаллар, эҳтиёт қисмлар ва технологиялардан фойдаланиш ҳисобига харажатларни қисқартириш борасидаги қизиқишлари кучайиб бораётганини кўрсатади. Натижада якуний маҳсулотнинг таннархи арзонлашади, ички бозорни импорт маҳсулотлари ўрнига ўзимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўлдириш имкони яратилади. Ярмаркада фақат профил хизмат кўрсатиш бўйича қиймати 122 миллиард сўмдан кўпроқ шартномалар имзоланганлиги ҳам буни яққол исботламоқда.

Шу муносабат билан матбуот анжуманида Республика саноат ярмаркаси ва кооперацион биржасида имзоланган шартномалар бўйича амалга ошириладиган импорт ҳажми 1 миллиард АҚШ долларига тенг миқдорни ташкил этиши таъкидланди. Хусусан, “Ўзавтосаноат” акциядорлик компанияси корхоналари 380 миллиард сўмликдан ортиқ, Навоий кон-металлургия комбинати қарийб 130 миллиард сўмлик, “Ўзбекнефтгаз” миллий холдинг компанияси корхоналари 160 миллиард сўмлик, “Ўзбекэнерго” давлат акциядорлик компанияси 50 миллиард сўмлик шартномаларни имзолади.

Кооперацион алоқаларни ривожлантиришда корхоналаримизнинг фаоллиги ортиб бормоқда, аввалги ярмаркадан буён ўтган вақт мобайнида бир қатор янги маҳсулот ва хизмат турлари ўзлаштирилди. Паст вольтли ва юқори вольтли электротехника, насос ускуналари, дастгоҳлар, газни ҳаво билан совутиш аппаратлари, ёғ олиш учун чигитни қайта ишлаш бўйича экстракцион ускуналар ва бошқалар шулар жумласидандир.

*(Давоми 2-бетда).*

## XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

• **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Фарит Мухаметшинни ваколат муддати тугаши муносабати билан қабул қилди. Мамлакатимиз раҳбари элчининг Ўзбекистондаги фаолиятига юқори баҳо бериб, келгуси ишларига муваффақият тилади.**

• **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмиталари Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Тошкент Давлат аграр университети билан ҳамкорликда ташкил этган «Қишлоқ хўжалигида ўсимликларни зарарли организмлардан ҳимоя қилишнинг биологик усулларини қўллаш истиқболлари» мавзуидаги уч кунлик халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтмоқда.**

• **Бугун Тошкент шаҳрида «Ёш оила—жамият тараққиёти негизи» мавзуида республика форуми бошланди. «Ёшлар йили» давлат дастури доирасида «Камолот» ЁИҲ томонидан ташкил этилган форум давомида «Энг намунали ёш оила» танлови бўлиб ўтади. Қатнашчилар «Оилавий спорт — саломатлик гарови» мавзуидаги спартакиада, «Интеллектуал ринг» ва «Моҳир қўллар» беллашувлари ёрдамида синовдан ўтказилади.**

• **Мамлакатимиз мустақиллигининг 17 йиллиги ва Ўзбекистон Конституцияси кунига бағишланган Экология ва саломатлик кунларининг учинчи босқичи доирасида республика экологик ҳашари бўлиб ўтди. Республика минтақаларидан олинган маълумотларга кўра, ҳашарда 8 миллионга яқин киши иштирок этди.**

• **Андижондаги «ASR» кредит уюшмаси мамлакатимиз молия бозорида ўз нуфузига эга ташкилот ҳисобланади. Яқинда мазкур кредит уюшмасига Бутунжаҳон микромолиявий ташкилотларининг ахборот алмашинуви — «MIX-MARKET» рейтинг агентлигининг 5 та олмос мукофоти тақдим этилди.**

• **Ибн Сино номидаги Бухоро вилояти ахборот-кутубхона марказида 2009-2010 ўқув йилига умумтаълим мактаблари учун мўлжалланган дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмаларнинг ихтисослаштирилган кўргазма-ярмаркаси ташкил этилди. Ушбу кўргазма 17 декабргача давом этади.**

• **Сирдарё туманидаги Бошдархон қишлоғида «Ост-Фуд» Ўзбекистон — Лихтенштейн қўшма корхонаси ишга туширилди. Корхонада тайёрланган дастлабки 315 тонна гигроскопик оқартирилган пахтанинг 133 тоннаси Россияга экспорт қилинди.**

• **Ғиждувон туманидаги кончилар шаҳарчасида 320 ўринли янги болалар боғчаси фойдаланишга топширилди. Дорихона, ошхона, ётоқхона, махсус спорт майдончаси мавжуд бўлиб, замонавий ускуналар билан жиҳозланган боғчани Навоий кон-металлургия комбинати бунёдкорлари барпо этдилар.**

### ЖАҲОНДА

• **Россия, Укрина ва Словакия кенг йўналишли темир йўл линиясини Ғарбий Европага қадар узайтириш тўғрисида меморандум имзолади.**

• **Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев ҳамда Венесуэла Президенти Уга Чавес ўзаро ҳисоб-китобларда миллий валюталардан фойдаланиш тўғрисида келишиб олдилар.**

• **Данияга қарашли бўлган Гренландия ороли аҳолиси ўтказилган референдумда оролнинг мухторият ҳуқуқлари кенгайишини ёқлаб овоз берди.**

• **Европа марказий банки қитъадаги молия муассасаларига 334 миллиард евродан кўпроқ кредит ажратди. Европа марказий банки қитъадаги 830 та банк ёрдам сўраб мурожаат қилганидан кейин шундай қарорга келган. Бундан кўзланган мақсад банкларнинг барқарор фаолиятини таъминлашга кўмаклашишдир. Мазкур маблағ бир ҳафта ичида тақсимланади.**

• **Россия ва Бразилия мамлакатлари ўртасида бир нечта, жумладан, визасиз сафар қилиш тўғрисида битим имзоланди.**

• **Кеча Шимолий Осетияда Владикавказ шаҳри мэри Виталий Караев ҳаётига суиқасд уюштирилди. Юрагидан олган жароҳати натижасида у касалхонанинг жонлантириш бўлимида ҳаётдан кўз юмди. Ҳозирча мазкур қотиллик юзасидан ҳеч қандай маълумотлар йўқ. Тергов ишларини Шимолий Осетия президенти шахсий назорати остига олган.**

• **Халқаро валюта жамғармаси Туркияга иқтисодиётини барқарорлаштириш учун 19 миллиард АҚШ доллари миқдорида кредит ажратишга розилик билдирди.**

• **Олимлар Сибирдаги абадий музликлар остидан топилган мамонт қолдиқлари ёрдамида унинг ген таркибини аниқлашга муваффақ бўлдилар. Бу йўқолиб кетган ҳайвоннинг генини тиклаш йўлидаги биринчи омадли уриниш бўлди. Мамонтлар 2 минг йил илгари икки гуруҳга ажралиб, уларнинг биринчи тўдаси 45 минг йил олдин, иккинчи тўдаси эса 10 минг йил олдин йўқолиб кетган экан. Мазкур кашфиёт генетика оламида олдинга ташланган навбатдаги қадам дея баҳоланди.**




*8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни*

# ЮКСАК ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ — ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ПОЙДЕВОРИ

**МАМЛАКАТИМИЗДА ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ РАҲНАМОЛИГИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАР ЖАРАЁНИДА ШАХС ВА ОИЛАНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ, АҲОЛИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ВАЗИФАСИ ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ БАРПО ЭТИШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ СИФАТИДА БЕЛГИЛАНГАН.**

Давлатимиз раҳбарининг 1997 йил 25 июнда қабул қилинган ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилашга доир фармони бунда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Мазкур йўналишда фаолият кўрсатувчи идоралар ишини мувофиқлаштириб бориш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги зиммасига юклатилган.

— Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш юзасидан олиб борилаётган ишлар давлатимиз раҳбари юритаётган инсонпарвар сиёсатнинг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланганини амалда ўзининг юксак самараларини бермоқда, — дейди Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг ўринбосари Собир Холбоев. — Буни фуқароларнинг инсон манфаатларини кўзловчи қонунлар моҳиятини чуқур англаб, улардан унумли фойдаланишга бўлган интилиши тобора кучаяётганида ҳам кузатиш мумкин.

Адлия органлари ва муассасаларининг ҳуқуқий тарғибот ишлари бўйича бошқарма ва бўлинмалари бу борада жамоатчилик билан бевосита иш олиб бормоқда. Жумладан, жорий йилда мазкур йўналишда 30 мингдан ортиқ тадбир ўтказилди. 473 дарслик, ўқув ва ўқув-услубий қўлланма ва бошқа материаллар, 386 турдаги плакат чоп этилди.

Аҳоли ўртасида алоҳида, ҳар бир гуруҳнинг ёши, қизиқиши ва талабларига мос тадбирлар уюштирилмоқда. Бу борада Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари билан жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга доир ҳамкорлик дастури амалга оширилмоқда. Шунингдек, маҳаллаларда, таълим муассасаларида ҳуқуқий тарғибот тадбирларини ўтказиш изчил давом этмоқда. Уларда ёшлар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Адлия вазирлигига қарашли ўқув муассасалари, жумладан, Тошкент давлат юридик институти томонидан "Мустақилликнинг конституциявий асослари", "Фан ва ёшлар" тўпламлари, "Ёшлар ва экология", "Иқтисодиёт ва ёшлар" каби рисолалар чоп этилди.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 1 майда қабул қилинган "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида"ги фармони ҳуқуқий тарғибот йўналишидаги ишлар кўламини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда. Бу борада амалга оширилаётган тадбирларда нафақат Декларациянинг, балки ушбу халқаро ҳужжатнинг миллий қонунчилигимизда ўз инъикосини топган муҳим жиҳатлари, мазмун-моҳияти ҳам кенг тарғиб этилмоқда. Ўтган даврда мамлакатимизнинг деярли барча вилоятларида инсон ҳуқуқларига бағишланган китоблар кўргазмалари ташкил этилди.

Адлия вазирлиги мутахассислари ва Тошкент давлат юридик институти профессор-ўқитувчилари ҳамкорлигида "Ўзбекистон Республикаси қўшилган инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар" махсус курсининг ўқув дастури ишлаб чиқилди. Умумий ўрта таълим мактаби ўқувчилари учун халқ таълими соҳаси мутахассислари билан ҳамкорликда инсон ҳуқуқларига оид дарслик яратилди.

Буларнинг барчаси инсон манфаатлари олий даражага кўтарилган жамиятимизда фуқароларнинг ҳуқуқлари тўла таъминланишига хизмат қилмоқда.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири**





**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ 16 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЖОЙЛАРДА АСОСИЙ ҚОНУНИМИЗНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ, МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИ МУСТАҲКАМЛАШ, ИНСОН ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДАГИ ТУТГАН ЎРНИГА БАҒИШЛАНГАН ДАВРА СУҲБАТЛАРИ, СЕМИНАРЛАР БЎЛИБ ЎТМОҚДА.**

# МУҲИМ ЙЎНАЛИШЛАРГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИ

Собир Раҳимов туман ҳокимлигида ҳам туман ҳокимлиги томонидан Бош Қомусимиз қабул қилинганлигининг 16 йиллигига бағишланган семинар-йиғилиш ўтказилди. Тадбирда туман фаоллари, бўлим ва бошқармалар раҳбарлари, маҳаллалар фуқаролар йиғинлари раислари ва ёшлар иштирок этди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, туман ҳокимлиги томонидан Конституциямизнинг 16 йиллигига бағишланган махсус дастур ишлаб чиқилган бўлиб, дастур асосидаги иш режалари бўйича жойларда турли тадбирлар ўтказилмоқда. Уларда Тошкент Давлат юридик институти ва Ўзбекистон Миллий университети юридик факультети профессор-ўқитувчилари қатнашмоқда. Юқоридаги тадбир ҳам ана шу дастур асосида ташкил этилди.

Семинарни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад фуқароларимиз, ёшларимизнинг она-Ватан, эл-юрт олдидаги муқаддас бурчларини тўла ҳис этган ҳолда меҳнат қилишларида ўзларининг ҳуқуқ ва бурчлари тўла кафолатланганлигини ҳис этишлари ҳамда барча мутасадди ва жамоат ташкилотлари, маҳаллалар фаолларининг Конституциямизнинг аҳамиятини тарғиб қилишларида асосий эътиборни қаратишлари лозим бўлган йўналишларни яна бир бор кўриб чиқиш эди.

Семинарда Ўзбекистон Миллий университети Конституциявий ҳуқуқ кафедраси мудири Шуҳрат Жалилов сўзга чиқиб Бош Қомусимиз бўлган Конституциямизнинг бугунги ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда тутган ўрни, ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таяниб, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда республикамиз фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлаш, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш кўзлангани ҳолда қабул қилинган Асосий Қонунимизнинг аҳамиятини таъкидлаб ўтди.

Шунингдек, яна бир муҳим халқаро ҳужжат — Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида кўрсатилган инсоннинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир нечта бобларида ўз аксини топган ва ривожлантирилганлиги қайд этилди.

Энг муҳими, тадбир давомида ёшлар ҳам фаоллик кўрсатишиб, Маънавият тарғибот маркази туман бўлими етакчи мутахассиси Жамшид Акбаров, Шарқшунослик институти қошидаги С.Раҳимов номли академик лицей талабаси Заҳро Ғаниевалар ҳам мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, йиғилиш қатнашчиларини қизиқтирган саволларга жавоб қайтаришди.

Семинар доирасида туман маҳаллаларида янги сайланган маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларини табриклаш маросими ҳам ўтказилди. Шунингдек, кўп йиллар давомида самарали фаолият кўрсатган оқсоқолларнинг маҳалла фуқаролари фаровонлигини таъминлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги меҳнатлари эътироф этиб ўтилди ва туман ҳокимлиги томонидан ажратилган эсдалик совғалари тақдим этилди.

**Дилшод ИСРОИЛОВ**

**СУРАТЛАРДА:**
**тадбирдан лавҳалар**

# ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

Машинасозлик комплекси ва пахта тозалаш соҳаси корхоналарига зарур бўлган полимердан тайёрланган материаллар тури кўпаймоқда. Пайвандлаш қувурларини тайёрлашга мўлжалланган илгари импорт қилинадиган металл деталларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилмоқда. Кабель-ўтказгичлар, фармацевтика маҳсулотлари, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ҳажмлари анча ортди.

Шу билан бирга Республика саноат ярмаркаси ва кооперацион биржасида имзоланган шартномаларнинг катта қисми ишлаб чиқариш ўзлаштирилган маҳсулотлар ва хизматларни етказиб беришни кўзда тутади. Бу эса узоқ муддатли ҳамкорликни шакллантиради. Мисол учун, Чирчиқ трансформатор заводи, "Тошэлектроаппарат Электрощит" қўшма корхонаси, "Осиёэлектроэнергия" масъулияти чекланган жамияти, "Тошэлектромаш" заводи, "Фусункор" ҚК, "Осиёэлектроизолятор" ва бошқа корхоналарда республика бўйича кооперацион алоқалар йўлга қўйилган.

Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва етказиб беришда кичик бизнеснинг ўрни кучайиб бораётир. Бугун мазкур секторнинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши 45,3 фоизни ташкил этади. Жумладан, "Бирингс" қўшма корхонасида илгари импорт қилинган деталларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Маҳаллийлаштириш ва кооперацион алоқаларни кенгайтириш натижасида соҳанинг бошқа корхоналари турдош субъектларга сифати хорижий маҳсулотларникидан қолишмайдиган ёритқич ва музлатгич, олмосли силлиқлаш, ишлов бериш ускуналарини етказиб бермоқда.

Иқтисодиётимизнинг саноат секторини ривожлантиришнинг муҳим шарти бўлган тармоқ ичидаги ва тармоқлараро кооперацияни кенгайтириш вазифаларини ҳал этиш мақсадида ҳар йили ўтказиладиган Республика саноат ярмаркаси ва кооперацион биржаси узоқ муддатли хўжалик алоқаларини шакллантириш учун бозор инфратузилмасини яратишда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Ярмарка корхоналарни маҳаллийлаштириш дастури иштирокчиларига зарур хомашё ва кредит ресурсларидан эркин фойдаланиш имкониятини яратиш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ушбу дастурни кенг жорий қилишга кўмаклашмоқда.

**А.ИВАНОВА,**
**Н.МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбирлари**

*Иқтисодиёт*

# ҚУЛАЙ ВА ЧИДАМЛИ

**МУСТАҲКАМ ВА ҚУЛАЙ ОЁҚ КИЙИМЛАРИ ҲАР ҚАНДАЙ ИСТЕЪМОЛЧИНИНГ ТАЛАБИНИ ҚОНДИРАДИ. ШУНИНГДЕК, УНИНГ ЗАМОНАВИЙЛИГИ ТАЪМИНЛАНСА, НУР УСТИГА АЪЛО НУР БЎЛАДИ.**

Пойтахтимизда бир неча йилдан буён фаолият кўрсатиб, сифатли пойабзалларнинг янги моделларини яратаётган «VISO» масъулияти чекланган жамияти Ўзбекистон-Австрия қўшма корхонаси тадбиркорлари буюртмачилар талабини қондириш ва харидорбоп оёқ кийимлари тайёрлаш йўлида изланишмоқда. Корхона дизайнер-модельерлари томонидан йилига 10-15 турдаги янги пойабзаллар яратилиб, улар ишлаб чиқаришга жорий этилаётгани яна шу изланишлар самарасидир.

Корхонада асосан ҳарбийлар учун ва махсус оёқ кийимлари илғор технологиялар асосида тайёрланади. Цехлар юксак унумли линия ва дастгоҳлар билан жиҳозланган бўлиб, уларда 100 нафарга яқин малакали пойабзалчилар меҳнат қилишади. Маҳсулотлар асосан табиий чармдан тайёрланиб, бу борада тадбиркорларга маҳаллий хом ашё қўл келмоқда. Тикилган пойабзал маҳсулотлари сифати кафолатланганлиги, иқлим шароитига мослиги билан буюртмалар ортишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунга келиб корхона мамлакатимиздаги жуда кўплаб компания ва ташкилотлар, тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорлик қилмоқда. Ўтказилаётган тендерларда янги моделлар билан иштирок этиш муваффақиятлар гарови бўлиб, буюртмалар портфели тўлишида катта аҳамият касб этмоқда. Корхона маҳсулотларининг юқори сифатини таъминлашда цехлардаги замонавий пойабзал тайёрлаш дастгоҳлари ва пойабзалчилар маҳоратини таъкидлаш ўринлидир. Корхонанинг ҳар бир мавсум учун тайёрлаётган оёқ кийимлари мустаҳкам ва ўзига хосдир.

# КАСАНАЧИЛАР ЖАЛБ ЭТИЛАДИ

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2006 ЙИЛ 5 ЯНВАРДАГИ «ЙИРИК САНОАТ КОРХОНАЛАРИ БИЛАН КАСАНАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСИДАГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ХИЗМАТЛАР ЎРТАСИДА КООПЕРАЦИЯНИ КЕНГАЙТИРИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ УЙДА ЎТИРИБ ИШЛАЙДИГАН ХОТИН-ҚИЗЛАРГА АЛОҲИДА ҚУЛАЙЛИК БЎЛМОҚДА.**

— Мазкур Фармон ижросига ҳисса қўшиш ва ўзимизга яқин атрофдаги хотин-қизларга қулайлик яратиш, иш билан таъминланишига эришиш мақсадида бугунги кунда бир нечта касаначиларни жалб этганмиз, — дейди «Армина» хусусий фирмаси раҳбари Маъсуда Содиқова. — Кичик корхонамизда асосан тикувчилик маҳсулотлари тайёрланади. Шифохона ва бошқа соғлиқни сақлаш муассасалари ходимлари учун халатлар, аёлларнинг замонавий либослари, кўрпа ва кўрпачалар, чойшаб ва ёстиқ жилдлари тайёрлаб буюртмачи ва харидорларга етказиб берамиз. Касаначи аёлларимиз керакли жиҳоз ва хом ашё билан таъминланган бўлиб, улар буюртмаларни сифатли бажаришга, ҳам оилалари бағрида бўлишда эришмоқдалар.

Ҳозирда Россия ва Япония фирмаларининг тикув машиналари билан жиҳозланган цехларда 20-25 хилдан зиёд маҳсулотлар тайёрлашга эришилмоқда. Тадбиркорлар келгусида корхона цехларини кенгайтириш асосида трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни режаламоқда. Айни пайтда корхона маҳсулотларига мамлакатимиз вилоятларидан ҳам буюртмалар кўпаймоқда.

**Шарофат БАҲРОМОВА**

*2008 — Ёшлар йили*

# ДОЛЗАРБ МАВЗУДАГИ АНЖУМАН

**ИСТИҚЛОЛГА ЭРИШИЛГАН ИЛК ЙИЛЛАРДАНОҚ ЁШЛАРНИНГ БАРКАМОЛ РИВОЖЛАНИШИ, ЖИСМОНИЙ, АХЛОҚИЙ ВА МАЪНАВИЙ ТАРБИЯСИГА ҒАМХЎРЛИК ҚИЛИШ ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАН БИРИГА АЙЛАНГАН. БУ БОРАДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ, КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ, МАКТАБ ВА МАҲАЛЛАЛАРДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН КЕНГ ҚАМРОВЛИ ИШЛАР ФИКРИМИЗ ДАЛИЛИДИР.**

Хусусан куни кеча Шайхонтоҳур туманидаги Тиббиёт коллежида туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан Асосий Қонунимизнинг 16 йиллигига бағишлаб «Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари — олий қадрият» мавзуида ташкил этилган давра суҳбатидан ҳам айнан юқоридаги хайрли мақсадлар кўзланганлиги эътиборга моликдир.

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси, шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Жиноят-қидирув ва терроризмга қарши курашиш бўлими, одам савдосига қарши кураш бўлими, туман прокуратураси ходимлари, Тиббиёт коллежи ўқитувчи ва талабалари иштирок этган ушбу тадбирни туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сурайёхон Пўлатова очар экан, Бош Қомусимизнинг инсон ҳаётидаги муҳим ўрни ва унинг моҳияти ҳақида, шунингдек, бугунги куннинг долзарб мавзуси бўлмиш одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича республика, шаҳар ва туман миқёсида олиб борилаётган ишларга алоҳида тўхталиб ўтди.

— Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, — деди жумладан Сурайё Пўлатова. — Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 17 апрелдаги «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги қонуни, давлатимиз раҳбарининг жорий йилнинг 8 июлидаги «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, шаҳар ҳокимининг 11 июлдаги 538- ва туман ҳокимининг 359-қарорлари ҳамда туман ҳудудий идоралараро комиссияси ва унинг низоми билан аввало ўзимиз яқиндан танишиб, ёшларни ҳам ундан тўлиқ хабардор қилиш лозим деб ўйлайман. Чунки эртамиз эгалари бўлган ёшларга бугун бериладиган тўғри тарбияга барчамиз масъулмиз.

Ҳолбуки, одам савдосига имкон берувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш, фуқароларнинг ҳуқуқий тафаккурини юксалтириш, ёшларимизнинг маънавий-ахлоқий ва дунёвий билимларини ошириш ҳамда ижтимоий ҳимояга алоҳида эътибор қаратиш каби масалалар одам савдоси билан боғлиқ турли кўринишдаги иллатларга қарши курашда муҳим аҳамият касб этади ва шу нуқтаи назардан, туман идоралараро комиссияси аъзолари ва барчамиз биргаликда маҳаллаларда, ўқувчи-ёшлар ва меҳнаткашлар ўртасида тушунтириш ишларини олиб боришимиз лозим.

Шунингдек тадбирда сўз олган Адлия бошқармаси ходими Аброр Бердиев Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг давлатимиз, жамиятимиз ва энг асосийси, ҳар бир фуқаро ҳаётида тутган ўрни, Конституция бу ҳар бир давлатнинг паспорти бўлиши билан бир қаторда ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва эркинларининг кафолатли ҳимояланишида асосий вазифани ўташи ҳақида фикр билдирди.

Тошкент шаҳар «Истиқболли авлод» ёшлар ахборот маърифат маркази «Ёшлар дастури» координатори Шоҳида Қосимова эса одам савдосига қарши курашиш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида сўз юритиб, ижтимоий лойиҳаларни слайд-шой тариқасида намойиш этди ва тақдимот ўтказди. Ташкилотнинг мақсад ва вазифалари, амалга оширилган ишлар ҳақида гапириб берди.

Кун тартибидаги навбатдаги масала юзасидан Тошкент шаҳар ИИБ Жиноят-қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси ходими, майор Улуғжон Жумаев сўзга чиқиб, одам савдоси жиноятининг ҳар қандай кўриниши ва турлари трансмиллий, яъни чегара билмас эканлиги сабабли унга қарши халқаро миқёсда олиб борилаётган кураш қизғин тус олган бўлиб, бу ҳар бир давлатнинг халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ва конвенцияларга қўшилишини тақозо этишини айтди ва мамлакатимизда одам савдосига қарши кураш ва унинг олдини олишга қаратилган ҳуқуқий асослар яратилганлиги ва бу борада муайян ишлар амалга оширилаётганлигига тўхталди. Жиноят кодексида бу каби жиноятга жавобгарлик назарда тутилган меъёрлар мавжудлиги, шунингдек, жорий йилнинг апрель ойидан «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги қонун кучга кирганлигини айтиб ўтди. Бу ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалда ижроси одам савдоси билан боғлиқ ҳар қандай ҳуқуқбузарликка, бу каби жиноятларга чек қўйиш ва унинг олдини олиш билан боғлиқ умуминсоний курашда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, кенг омма ўртасида амалдаги қонунларнинг мазмун-моҳиятини тарғиб қилишга эътиборни қаратди.

Тадбир сўнгида ўқувчиларни қизиқтирган барча саволларга тўлиқ жавоб берилди. Фаол иштирокчи ўқувчиларга эса Тошкент шаҳар «Истиқболли авлод» ёшлар ахборот маърифат маркази томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Давра суҳбати қатнашчилари одам савдосига қарши курашиш мавзусида ҳар бир маҳаллада, институт, коллеж, лицей ва мактабларда давра суҳбатлари ўтказишни ҳамда тадбирда қатнашган ҳар бир иштирокчи одам савдосининг зарарли оқибатларини тўғри тушуниб, оиласида, маҳалласида, дўстлари ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориши тўғрисида фикрлашиб олишди.

**Шоира МУХАМЕДОВА**

**ПОЙТАХТИМИЗДА ОИЛА ИНСТИТУТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

# ОИЛА — ДАВЛАТ МУҲОФАЗАСИДА

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, "Оила" илмий-амалий маркази томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, ҳуқуқшунослар, шифокорлар, маънавият тарғиботчилари, психологлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси М.Ражабова, Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси М.Усмонов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси И.Насриев, Республика "Оила" илмий-амалий маркази директори В.Каримова ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда баркамол авлодни воияга етказишнинг муҳим шарти сифатида оила, оналик ва болалик манфаатларини таъминлаш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, уларни оилага тайёрлаш, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ўз самараларини бераётганини таъкидладилар. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси, дастурлар, фармон ва қарорлар бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Изчиллик билан амалга оширилаётган «Ёшлар йили» Давлат дастури оиланинг мавқеини янада ошириш, ёшлар қалби ва онгида оилага юксак миллий қадрият сифатида муносабатда бўлиш ғоясини сингдириш, йигит-қизларни турли мафкуравий таҳдидлардан ҳимоялаш каби масалалар алоҳида вазифа сифатида белгиланган.

Дастурга мувофиқ оилада тиббий маданиятни янада юксалтириш, унинг аъзолари саломатлигини муҳофазалаш, кам таъминланган, серфарзанд оилаларга аниқ ва самарали ижтимоий ёрдам кўрсатишни кучайтириш, бу йўналишдаги чора-тадбирларни амалга оширишда маҳаллалар, хотин-қизлар қўмиталарининг ролини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Юртбошимизнинг 2007 йил 18 майда қабул қилган «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонига асосан бундай эзгу юмушлар кўлами янада кенгайди. Ёш оилаларнинг меҳнат фаолиятини бошлаши ва мустақил ҳаётга кириб келишида уларга зарур ёрдам кўрсатиш, барқарор даромад манбаларини шакллантириш механизмлари ва амалий рағбатлантириш омилларини яратиш ҳамда уларнинг уй-жой ва маиший шароитини яхшилаш борасида аниқ чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Жойларда янги иш ўринлари очилиб, ёшлар кичик бизнес ва тадбиркорликка фаол жалб этилмоқда. Ёш оилаларга ўз ишини ташкил этиш учун микрокредитлар ажратилаётир, касаначиликни ривожлантириш, ёш оилаларнинг меҳнат билан бандлиги ва уларда барқарор даромад манбаларини шакллантириш учун зарур шароит яратилмоқда. Шу билан бирга ёш оилаларга ипотека ва истеъмол кредитлари ажратиш йўли билан уй-жой сотиб олиш ёки қуришда улар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётир.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси бу борадаги вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Республика «Оила» илмий-амалий маркази билан ҳамкорликда бир қатор чора-тадбирларни амалга ошираётир.

Конференцияда «Оила қонунчилиги такомиллашуви – жамият тараққиёти гарови», «Оила давлат ва жамият муҳофазасида», «Оила ва никоҳ», «Оилаларда миллий ўзликни англаш» каби масалаларда маърузалар тингланди ва муҳокама этилди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Акбарова сўзга чиқди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

ТАБИАТ ВА ИНСОН

№ 11(194) Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг саҳифаси

# ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

**ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ ЖАДАЛ СУРЪАТЛАР БИЛАН РИВОЖЛАНИБ, ДУНЁНИНГ ЖЎҒРОФИЙ СИЁСИЙ ТУЗИЛИШИ ЎЗГАРИБ БОРАЁТГАН ҲОЗИРГИ ШАРОИТДА ИНСОН ТОМОНИДАН БИОСФЕРАГА КЎРСАТИЛАЁТГАН ТАЪСИРНИ ТАРТИБГА СОЛИШ, ИЖТИМОИЙ ТАРАҚҚИЁТ БИЛАН ҚУЛАЙ ТАБИИЙ МУҲИТНИ САҚЛАБ ҚОЛИШНИНГ ЎЗАРО ТАЪСИРИНИ УЙҒУНЛАШТИРИШ, ИНСОН ВА ТАБИАТНИНГ ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРИДА МУВОЗАНАТГА ЭРИШИШ МУАММОЛАРИ БОРГАН САРИ ДОЛЗАРБ БЎЛИБ ҚОЛМОҚДА.**

Табиий ресурслар Ўзбекистон Республикаси давлат суверенитетининг моддий асоси ҳисобланади. Улардан оқилона ва самарали фойдаланиш нафақат иқтисодий муаммоларни, балки, шу билан бирга, халқимиз сиҳат-саломатлигини таъминлаш, келгуси авлодни руҳан ва жисмонан соғлом ҳамда комил инсон қилиб тарбиялаш муаммоларини ҳам ҳал этишга ёрдам беради.

Экологик муаммоларни бартараф этиш миллий хавфсизликни таъминловчи муҳим омиллардан бири ҳамдир. Шу боис табиатни муҳофаза қилиш ва бой табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни ҳуқуқий тартибга солиш давлатнинг ижтимоий функцияларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгач, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий ва ташкилий механизмларини яратиш, миллий экологик хавфсизлик муаммоларини ҳал этиш имконига эга бўлди.

Кўп йиллар мобайнида инсон табиатни ўзига тўлиқ бўйсундиришга уринди, табиий ресурсларни битмас-туганмас ҳисоблаб, уларга фақат истеъмол объекти сифатида қаради. Натижада Ер куррасида, шу жумладан, Марказий Осиё минтақасида ҳам экологик жиҳатдан хавфли вазият юзага келди, айрим шаҳарлар атмосферасида заҳарли газлар миқдори ҳаддан ташқари ошиб кетди, биологик ранг-баранглик, мувозанат бузилди. Республикамиз Президенти Ислом Каримов таъкидлаб ўтганидек, "Экология ҳозирги замоннинг кенг миқёсдаги кескин ижтимоий муаммоларидан биридир, уни ҳал этиш барча халқларнинг манфаатларига мос бўлиб, цивилизациянинг ҳозирги куни ва келажаги кўп жиҳатдан ана шу муаммонинг ҳал қилинишига боғлиқдир".

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни тартибга солувчи бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида", "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида", "Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида", "Ер ости бойликлари тўғрисида", "Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида", "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида", "Ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида", "Ўрмон тўғрисида", "Экологик экспертиза тўғрисида", "Чиқиндилар тўғрисида"ги қонунлар ана шулар жумласидандир. Бундан ташқари, Меҳнат Кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекс, Жиноят Кодекси, Фуқаролик Кодекси, Ер Кодекси ҳам муайян даражада табиатни муҳофаза қилиш муносабатларини тартибга солишга, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий механизмларини яратишга қаратилган.

Экологик муаммолар миллий хавфсизликни белгилаб берувчи асосий омиллардан биридир. Шунинг учун ҳам табиатни муҳофаза қилиш ва бой табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни ҳуқуқий йўл билан тартибга солиш давлатнинг муҳим фаолиятларидан бири ҳисобланади. Фақат том маънодаги мустақиллик ва озодликни қўлга киритгандан кейингина мамлакатимиз ўзининг миллий хавфсизлиги, хусусан, экологик хавфсизлик муаммолари билан жиддий шуғулланиш имконига эга бўлди.

Республикамиз Президенти ўзининг "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" асарида "Миллий хавфсизликка қарши яширин таҳдидларни кўриб чиқар эканмиз, экологик хавфсизлик ва атроф – муҳитни муҳофаза қилиш муаммоси алоҳида эътиборга моликдир", деб таъкидлаган эди. Чунки, атроф – муҳитни муҳофаза қилиш, табиий манбалардан оқилона фойдаланиш ва аҳолининг экологик хавфсизлиги миллий хавфсизликнинг ажралмас бир бўлаги ҳисобланди. Экологик муаммоларни жадаллик билан ҳал қилиб бўлмайди. Чунки, бир асрдан зиёд даврда олиб борилган ижтимоий – иқтисодий сиёсат инқирозининг кескинлашувига, атроф – табиий муҳит ҳолатига ва аҳолининг саломатлигига хавф сола бошлади. Мана шунинг учун ҳам экологик хавфнинг олдини олиш ва бартараф этиш чора – тадбирларини белгилаш, экологик хавфсизлик тизимини шакллантириш Ўзбекистон давлатининг экологик сиёсати борасидаги устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди.

Мустақиллик шароитида, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ислоҳотларни амалга ошириш учун самарали ҳуқуқий механизмни яратишга, янги ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий негизларини ишлаб чиқишга асосий эътибор қаратилди. Табиатни муҳофаза қилишга қаратилган конституцион қоидалар 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси янги Конституциясида ўз ифодасини топди ва ривожлантирилди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси атроф-табиий муҳитни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган муносабатлар учун асосий ҳуқуқ манбаси бўлиб ҳисобланади.

Конституцияда мустаҳкамланган шахс, жамият ва давлатнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маданий-маърифий каби ижтимоий муносабатлар билан бирга ҳар бир мустақил давлатнинг муҳим белгиси саналган табиат ресурсларига нисбатан мулк ҳуқуқи ундан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш муносабатларини тартибга солишнинг асосий шарти сифатида эътироф этилган.

Асосий Қонунимизнинг 50, 54, 55 ва 100 - моддаларида табиатни муҳофаза қилиш, табиий бойликларимиздан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ ҳуқуқий қоида ва талаблар мустаҳкамлангандир.

Хусусан, Конституциямизнинг 50-моддасида "Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар" – деб, мустаҳкамланган бўлиб, унда атроф табиий муҳитнинг асосий ажралмас қисми ҳисобланган табиат ресурсларига нисбатан фуқароларнинг мажбуриятлари белгиланган.

Конституциянинг "Жамиятнинг иқтисодий негизлари" – деб номланган XII боби, 54-моддасида мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт, деб белгилаб қўйилган.

Ушбу моддада биринчидан, мулк ҳуқуқининг мазмуни эътироф этилса, иккинчидан, мулкдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний ва юридик шахсларнинг хўжалик ва ишлаб чиқариш жараёни бевосита табиат билан боғлиқ эканлиги мустаҳкамланади. Зеро, кўпчилик хўжалик юритувчи субъектлар учун ер улар жойлашган кенглик (жой)ни англатса, қишлоқ хўжалик корхоналари учун ишлаб чиқариш билан узвий боғлиқ биологик омилдир. Табиат ресурсларидан фойдаланиш ҳуқуқи ҳақида гапирар эканмиз, аввало шуни англаб олишимиз керакки, бу нафақат фойдаланиш учун берилган ҳуқуқ, балки улардан оқилона, самарали фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни таъминлаш мажбуриятини ҳам юклайди. Бошқача қилиб айтганда, табиат ресурсларидан фойдаланиш ҳуқуқи ва мажбурияти чамбарчас боғлиқдир.

Конституциянинг 55-моддасида "Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий заҳиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир" деб, ифодаланган бўлиб, давлатнинг табиатни муҳофаза қилишга доир сиёсатининг асосий тамойилларини ўз ичига олади.

Ушбу конституциявий қоиданинг аҳамияти шундаки, биринчидан, мустақиллигимизнинг моддий асосини ташкил этувчи ер ва бошқа табиий бойликлар халқимизнинг умуммиллий бойлиги, мулки эканлиги; иккинчидан, табиат ресурсларидан фақат оқилона фойдаланиш зарурлиги; учинчидан, табиат ресурсларидан фойдаланиш борасидаги ҳуқуқий муносабатларнинг давлат томонидан кафолатланиши каби муҳим тамойилларни мустаҳкамлайди.

Асосий Қонунимизнинг XXI бобида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқий ҳолати белгиланган. Ушбу бобнинг 100-моддасида маҳаллий давлат ҳокимият органлари ваколатларининг асосий йўналиши сифатида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш каби масъулияти эътироф этилган бўлиб, ўз навбатида вилоят, шаҳар, туман ҳокимият ва бошқарув органларининг табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишдек масъулиятини белгилайди.

Конституциядаги қоида ва талаблар атроф-табиий муҳитга доир ҳуқуқий муносабатлар тизимидаги асосий тамойилларни мустаҳкамлайди. Ушбу конституциявий тамойиллар асосида атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлашга қаратилган Қонун, Фармон, қарор, низомлар каби меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинади.

Умуман олганда, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга оид муносабатларни тартибга солишда бир томондан қонун, Фармон, қарор, низом каби меъёрий ҳужжатлар, иккинчи томондан, ушбу қонун ҳужжатлари қўлланилишига ёрдам бериш ва давомийлигини таъминлашда турли хил нормативлар, стандарт ва йўриқномалар каби минглаб меъёрий-техник аҳамиятдаги ҳужжатлар қўлланилади.

Юқоридагилардан хулоса қилиб таъкидлаш жоизки, бугунги кунда Ўзбекистонда табиатни муҳофаза қилиш борасида муҳим ва туб ўзгаришлар рўй бермоқда, мамлакатимиз доирасида атроф-муҳитни ҳимоя қилишга қаратилган ягона дастур, бир қатор қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинган ва бу қонунчилик ҳужжатларини ҳаётга татбиқ этишнинг самарали механизми ишлаб чиқилган бўлиб, унда Республикамизда яшаётган барча миллатлар, халқлар, фуқароларнинг тенглиги, дўстлиги соҳасида умумфаровонлик учун биргаликда ҳаракат қилишлари зарурлиги ўзининг чуқур ифодасини топган.

**Маҳмуджон НАЖИМОВ,**
**Тошкент Давлат юридик институти доценти, юридик фанлари номзоди**

# АТМОСФЕРА ҲАВОСИНИ ЗАҲАРЛАМАНГ

## УНИНГ НАТИЖАЛАРИ АЯНЧЛИ БЎЛАДИ

**ТОШКЕНТ ШАҲАР ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҚЎМИТАСИ АТМОСФЕРА ҲАВОСИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БЎЛИМИ ДАВЛАТ НОЗИРЛАРИ УЗЛУКСИЗ НАЗОРАТ ВА МОНИТОРИНГ ИШЛАРИНИ ОЛИБ БОРМОҚДАЛАР. БУНДАН ТАШҚАРИ ҚЎМИТА ДАВЛАТ НОЗИРЛАРИ ЎЗЛАРИГА БИРИКТИРИЛГАН ТУМАНЛАРДА ДОИМИЙ МОНИТОРИНГ ИШЛАРИНИ БАЖАРМОҚДАЛАР.**



Барчага маълумки, ҳозир хазонрезги, яъни, дарахтлардаги қуриган барглар тўкиладиган мавсум ҳисобланади. Ҳамма жойларда баргларни йиғиштириб олиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Бу борада шуни таъкидлаш жоизки, ҳар бир раҳбар ва ширкатлар раислари ўз ҳудудларида баргларнинг ёқилмаслиги ҳолатларига масъулдирлар.

Бундан ташқари 1996 йил 27 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунининг 24-моддасида корхона раҳбарлари ва мансабдор шахсларнинг атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш борасидаги мажбуриятлари аниқ белгилаб қўйилган. Ушбу қонуннинг 4-моддасида фуқароларнинг ҳам атмосфера ҳавосини асраш борасидаги мажбуриятлари белгиланган.

Ушбу қонун моддаларининг бузилиши ўз навбатида ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жазо қўлланилишига олиб келади ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 88-моддасининг, 3-қисми билан мансабдор шахсларнинг энг кам иш ҳақининг 5 бараваридан 10 бараваригача, фуқароларнинг эса 3 бараваридан 5 бараваригача маъмурий жавобгарликка тортилишига сабаб бўлади.

Агар хазонларни олиб чиқиб кетишнинг имкони бўлмаса, компост чуқурлар қазиб баргларни кўмиб ташлаш маслаҳатини берамиз.

Бизнинг кўпинча бу гапларни такрорлашимизга сабаб шуки, хазонларни ёқиш соғлиқ учун хавфли бўлиб, қуриган баргларнинг ёниши жараёнида атроф-муҳитга нафақат углерод гази, балки ис ва олтингугурт гази сингари заҳарли моддалар тарқалиб, атмосфера ҳавосига катта зарар етказади. Хазон тутуни таркибида шунингдек, автомобиллардан чиқаётган газлар ва саноат корхоналари тутунлари орқали йиғилиб борадиган қўрғошин, кадмий, мис каби оғир металлар ҳам мавжуд бўлади.

Хазонларни ёқиш пайтида чиқадиган тутун таркибида мураккаб органик бирикмаларни ўз ичига олувчи заҳарли диоксин ҳам бўлиб, у нафас органларига зарарли тарзда таъсир этади. Заҳарли диоксинлар айниқса тананинг ҳимоя тизими, алоҳида сезгир ҳисобланмиш болалар ҳамда нафас йўлларининг соматик хасталиклари, юрак-қон томир ва аллергик касалликлари бўлган кексалар учун ниҳоятда хавфлидир.

Бундан ташқари кузги мавсумда кўп қаватли уйларнинг томларидан оқиб ўтаётган сувларни бартараф этиш мақсадида ширкатлар томонидан рубероид ва битум билан томларни ёпиш ҳолларида айрим хатоларга йўл қўйилаётганлигига дуч келаяпмиз.

Битумни очиқ аланга олдириб ёқиш қонунга мувофиқ таъқиқланади. Битумни эритишда махсус техник қурилмадан фойдаланиш шарт. Махсус техник қурилманинг асосий кўриниши битумнинг ўзини эмас, балки унинг тагидан ўтин ёрдамида эритиб ёқишдан иборат.

Битумни очиқ аланга олдириб ёқиш давомида нафақат атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи моддалар ажралиб чиқади, балки эритилган битумга ётқизилган рубероиднинг сифати ҳам йўқолади, у бир неча ойдан сўнг ёрилиб, томдан чакка суви ўта бошлайди.

Қўмитамиз томонидан амалга оширилаётган барча саъй-ҳаракатлар аввало инсонларнинг соғлом турмуш тарзида ҳаёт кечириши ва уларнинг саломатлигини асрашга қаратилгандир.

Ҳурматли ҳамшаҳарлар ва пойтахтимиз меҳмонлари. Юқоридаги каби қонунбузарликлар, яъни хазонларнинг ёқиб юборилиши ва очиқ аланга олдириб битум эритиш каби ҳолатларга кўзингиз тушса бизнинг қуйидаги Ишонч телефонларимизга мурожаат қилинг: 273-86-73, 273-86-78, 273-86-83 ва 273-59-04.

**А.КАЛИМБЕТОВ,**
**Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси давлат нозири**

# АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИГА МУҲИМ ЭЪТИБОР

**ЯҚИНДА ШАҲРИМИЗДАГИ «ДЕДЕМАН» МЕҲМОНХОНАСИДА «АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ЖАРАЁНИДА ЖАМОАТЧИЛИКНИНГ ИШТИРОКИ ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ЧИҚИНДИЛАРНИ ТАСАРРУФ ЭТИШ» МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН КОНФЕРЕНЦИЯ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси БМТнинг ривожланиш дастури ва Европада Хавфсизлик ҳамда ҳамкорлик ташкилотининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этган тадбирда тегишли давлат, жамоат, халқаро ташкилотлар (ОВСЕ) вакиллари, олимлар, табиатни муҳофаза қилиш қўмиатси мутахассислари иштирок этдилар. Уч кун давомида бўлиб ўтган анжуманда экологик барқарорликни таъминлаш, табиатдан оқилона фойдаланишга доир тадбирларнинг бажарилиши ва аҳоли ўртасида экологик маданиятни оширишга йўналтирилган тарғибот-ташвиқот ишлари бераётган самаралар, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш, чиқиндиларни камайтиришга қаратилган масалалар, экологик таълимни ва экожурналистикани ривожлантириш борасидаги вазифаларга бағишланган маърузалар тингланди. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида чиқиндилардан фойдаланиш соҳасида кўплаб ташкилотлар бошқарув ишларини амалга оширмоқда. Улар орасида асосийлари: табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Саноаттехназорат давлат инспекцияси, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги ҳисобланади.

Чиқиндиларни Бошқариш миллий стратегияси (ЧБМС)нинг мақсади ҳосил бўладиган ва ўрнашиб қоладиган чиқиндиларнинг атроф-муҳит ва одамлар саломатлигига зарарли таъсирининг олдини олиш ҳамда бартараф этиш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Чиқиндиларнинг бошқариш бўйича миллий стратегияси қуйидаги асосий принцип ва қоидаларга асосланган.

Ушбу соҳада иқтисодий ва сиёсий қарорларни амалга ошириш пайтида огоҳлантирувчи ҳамда тезкор хусусиятга эга чораларни кўриш билан бирга аҳоли саломатлиги ва экологик тизимларни ҳимоя қилиш.

Чиқиндиларни бошқаришда атроф-муҳитнинг емирилиши ва ифлосланишининг олдини олиш учун маъмурий ҳамда иқтисодий услубларни уйғунлаштириш.

Чиқиндиларни бошқариш соҳасида миллий, давлатлараро ва глобал муаммоларни самарали ҳал этиш учун халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш.

Чиқиндилар атроф муҳит ва аҳоли саломатлиги учун катта хавф туғдиради. Ўз вақтида йўқ қилинмаган чиқиндилар турли касалликларни қўзғатувчи ва юқтирувчи ҳашаротлар учун озуқа манбаига айланади. Айни пайтда чиқиндиларни ўз вақтида транспорт воситаларида ташиш ва заҳарли чиқиндилар, улардан фойдаланиш учун жиҳозланган сақлаш жойларига жойлаштириш (депонентлаш) чиқиндиларни бошқариш йўналишларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг чиқиндилардан фойдаланиш соҳасидаги экологик сиёсатининг асосий принциплари, барқарор ривожлантириш миллий стратегияси белгиланган. Тошкент шаҳар Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси мутахассислари тегишли соҳа ходимлари билан ҳамкорликда чиқиндиларни йиғиш, ташиш, зарарсизлантириш чора-тадбирларини амалга оширмоқда. Бу лойиҳа 2008-2012 йилгача белгиланган бўлиб, Тошкент шаҳар Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси мутахассислари лойиҳанинг ўз вақтида амалга оширилишига ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

**Малоҳат МИРЗАМУҲАМЕДОВА,**
**тарғибот ва ташвиқот бўлими I тоифали мутахассиси**

*Текширувда аён бўлди*

# ҚОНУН БАРЧАГА БАРОБАР

- Республика болалар суяк сили касалликлари санаторийси бош шифокор ўринбосари П.Усмонова таркибида симоб моддаси бўлган ишлатилган лампаларни жойлаштириш ва утиллаштиришда табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузганлиги учун Ўзбекистон Республикаси МЖКнинг 91/1-моддасига асосан 40000 сўм миқдорда жаримага тортилди.
- «Газситранс» унитар корхонаси бошлиғи С.Михайловский автотранспорт воситаларидан чиқаётган ифлослантирувчи моддалар миқдорини назорат қилмаганлиги ва автомашиналарни юқори миқдордаги зарарли моддалар билан фойдаланишга чиқарганлиги учун Ўзбекистон Республикаси МЖКнинг 87/1-моддасига асосан 40000 сўм миқдорда жарима тўлайдиган бўлди.
- «ESSO» МЧЖ оператори А.Тошметов ишлатилган люминисцент лампаларнинг ўз вақтида утиллаштирилмаганлиги учун ЎзР МЖКнинг 91/1-моддасига асосан 60000 сўм миқдорда жаримага тортилди.
- «Ин-медиа» қўшма корхона раҳбари Ф.Ражабов ифлослантирувчи моддаларни йўл қўйиладиган меъёридан ортиқ даражада атмосфера ҳавосига чиқарганлиги ва меъёрий ҳужжатларнинг муддати ўтишига йўл қўйганлиги учун ЎзР МЖКнинг 85/1-моддасига асосан 75 120 сўм миқдорда жаримага тортилди.
- ТКО АЖ «UZBEKISTAN» бош механиги Х.Абдурашитовдан саноат ва маиший чиқиндиларни жойлаштириш ва утиллаштиришда табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузганлиги учун ЎзР МЖКнинг 91/1 моддасига асосан 50000 сўм миқдорда жарима ундириладиган бўлди.
- ТКО АЖ «UZBEKISTAN» раҳбари Р.Ибрагимов ифлослантирувчи моддаларни йўл қўйиладиган меъёридан ортиқ даражада атмосфера ҳавосига чиқарганлиги ва меъёрий ҳужжатларнинг муддати ўтишига йўл қўйганлиги учун ЎзР МЖКнинг 85-моддасига асосан 125000 сўм миқдорда жаримага тортилди.
- «DIENVIDI LTD» қўшма корхонаси бош директори К.Яхгияев ифлослантирувчи моддаларни меъёридан ортиқ даражада атмосфера ҳавосига чиқарганлиги ва меъёрий ҳужжатларнинг муддати ўтганлиги учун ЎзР МЖКнинг 85/1-моддасига асосан 75120 сўм миқдорда жаримага тортилди.

Ўз-ўз ўргатиб доно бўлур...

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

## ҲИКМАТЛАР

**Ишқ қули бўл, озод бўлиш истасанг,**
**Дардин дилга сол, шод бўлиш истасанг.**

* * *

**Оламдан ўгир юзинг ишқ ғамида,**
**Яша ишқнинг гўзал, хуш оламида.**
**Ҳеч бир кўнгил ишқдан ғофил бўлмасин,**
**Оламда ҳеч ишқсиз кўнгил бўлмасин!**

* * *

**Ишқсиз юрак юрак эмасдир мутлоқ,**
**Дил дардидан холи тан суву тупроқ.**

* * *

**Ишқ савдоси сабаб фалак саргардон,**
**Ишқ ғавғоси сабаб нотинчдир жаҳон.**

* * *

**Ишқ бир сирки, уни гапириб бўлмас,**
**Минг бир парда билан яшириб бўлмас.**

* * *

**Ишқ ёдида ошиқ тозалик топди,**
**Фикрида баланд овозалик топди.**

* * *

**Май ичмаса Мажнун севги жомидан,**
**Икки олам тўлармиди номидан?**

* * *

**Кимки ошиқ бўлиб, ишқ йўлига кирмас,**
**Менинг мазҳабимда тариқча турмас.**

* * *

**Кимки агар ишқдан бенасиб,**
**Бу дунёда ғарибдан ғариб.**
**Беркдир унга маҳрамлик уйи,**
**Йўқдир унда одамлик бўйи.**

* * *

**Ким ишқнинг асири, кимни ишқ йиққан,**
**Ул кўнгил фарзанди, уни ишқ туққан.**

* * *

**Ростни изла, ростни танла, ростни кўр,**
**Ростни гапир, ростни эшиту рост юр.**

* * *

**Рост юрсанг, эл ичра сарвар бўласан,**
**Ҳимматда тенги йўқ гавҳар бўласан.**

* * *

**Эгрилик ҳар ерда етказар ҳалал,**
**"Нажот – тўғриликда" – бор эзгу масал.**

* * *

**Эр ҳиммати гар баланд бўлар,**
**Ҳар бир ишда сарбаланд бўлар.**

* * *

**Билмай туриб мард ҳимматини,**
**Англамайсан қадр-қимматини.**

* * *

**Ҳиммат гўё мағзу иш пўст эмише,**
**Ҳиммати қадрича ҳар кимнинг иши.**

* * *

**Гарчи барча Ҳотами Тойдир,**
**Халқдан тамаъ қилган гадойдир.**

* * *

**Қаноатли яшар осуда,**
**Очкўз азоб чекар беҳуда.**

* * *

**Нафс ғамидан озод бўл мудом,**
**Кушни тамаъ қилар банди дом.**

* * *

**Улуғлардан қолган бу рост гап:**
**Гадодир у, ким қилса талаб.**

* * *

**Иззати нафс учун хор бўлма,**
**Ҳирсу тамаъ деб абгор бўлма.**

* * *

**Тамаъ таркига бўл орзуманд**
**Ва ўзингни қил шоду хурсанд.**

* * *

**Тамаъ кирса эшикдан,**
**Адл қочар тешикдан.**

* * *

**Тамаъю адл ўту сув гўё,**
**Бўлолмайди бир жойда асло.**

* * *

**Нону кўкат билан ичилган айрон,**
**Шоҳнинг сийловидан афзалдир ҳар он.**

* * *

**Нокаслардан кутма мурувват, вафо,**
**Девдан одамийлик излама асло.**

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади**

# ПЕДАГОГИК ГРАНТЛАР ДАСТУРИ 2008

## МАҚСАД:

Педагогик грантлар дастурининг мақсади таълим-тарбия соҳасини янада ривожлантиришга ҳисса қўшиш, таълим бериш услуб ва усулларини мукаммаллаштириш, ижодий изланишларни жадаллаштириш, шунингдек, ойлик ва бир марotабалик тақдирлаш орқали халқ таълими педагогларини, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари ўқитувчилари ва илмий тадқиқотчиларни моддий томондан қўллаб-қувватлашдан иборат.

## ЙЎНАЛИШЛАР:

1. Биринчи йўналиш - халқ таълими педагоглари (умумтаълим мактаблари);
2. Иккинчи йўналиш - ўрта-махсус ва олий ўқув юртлари ўқитувчилари (академик лицейлар, коллеж, олий ўқув юртлари);
3. Учинчи йўналиш - илмий тадқиқотчилар (аспирантлар, тадқиқотчилар, докторантлар) ва олий педагогик таркиб вакиллари (кафедра мудирлари, деканлар, проректорлар).

## ИШТИРОКЧИЛАР:

Танловда олий маълумотга ва 3 йиллик муттасил педагогик меҳнат стажига эга мактаб ўқитувчилари; олий маълумотга эга ва 5 йиллик муттасил педагогик меҳнат стажига эга академик лицей, коллеж ва олий ўқув юртлари ўқитувчилари; 5 йилдан кам бўлмаган педагогик меҳнат стажига эга илмий тадқиқотчилар ва юқори педагогик таркиб вакиллари қатнашишлари мумкин.

Танловда индивидуал ҳолатда (жамоавий аризалар қабул қилинмайди) кўрсатилган йўналишларнинг бири бўйича иштирок этиш мумкин.

## Ҳужжатлар 1 ЯНВАРГАЧА қабул қилинади!

**Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим:**

1. Рангли суратли иштирокчи анкетаси;
2. Паспорт нусхаси (яшаш жойи кўрсатилган ҳолда);
3. Олий маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси;
4. Ходимлар бўлими муҳри туширилган меҳнат дафтарчаси нусхаси;
5. Лойиҳа;
6. Лойиҳа бюджети;
7. Лойиҳа бўйича амалга ошириладиган ишлар режаси;
8. Илмий тадқиқотчилар эълон қилинган мақолалари рўйхатини илова қилишлари лозим.

**Ҳужжатлар «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасига юборилади.**

FUND FORUM. UZ

**«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси**
Тел.: (998 71) 239 2932, 239 2933
Тел./Факс: (998 71) 239 27 71
http:// www.fundforum.uz
e-mail: info@fundforum.uz

**Вилоятда яшовчи номзодлар ҳужжатларини «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари марказининг вилоят бўлинмаларига топширишлари мумкин.**

**Вилоятдаги телефонлар:**

| | |
|---|---|
| Қорақалпоғистон Р-си | (8361) 770-69-23 |
| Андижон вилояти | (8 374) 298-19-17 |
| Бухоро вилояти | (8 365) 770-09-20 |
| Жиззах вилояти | (8 372) 771-69-13 |
| Қашқадарё вилояти | (8 375) 771-19-18 |
| Навоий вилояти | (8 436) 770-29-21 |
| Наманган вилояти | (8 369) 223-09-16 |
| Самарқанд вилояти | (8 366) 210-19-14 |
| Сирдарё вилояти | (8 367) 221-09-12 |
| Сурхондарё вилояти | (8 376) 770-89-19 |
| Тошкент вилояти | (8 373) 150-69-10 |
| Фарғона вилояти | (8 373) 229-79-15 |
| Хоразм вилояти | (8362) 770-49-22 |

Ҳакамлар ҳужжатларни ёпиқ мажлисда кўриб чиққанидан сўнг қарор чиқаради. Ҳакамлар қарори муҳокама қилинмайди. Танлов натижалари ҳақида фақат ғолибларга маълум қилинади.

---

**Тошкент юридик коллежи 2008-2009 ўқув йили учун қуйидаги фан кафедраларига таянч маълумоти тўғри келадиган ўқитувчи ва ходимларни**

*ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ!*

1.«Информатика» фанидан 2 нафар ўқитувчи;
2.«Жисмоний тарбия» фанидан 3 нафар ўқитувчи;
3.Юридик маълумотга эга бўлган 4 нафар ўқитувчи;
4.«Иқтисодиёт асослари» фанидан 1 нафар ўқитувчи;
5. Кутубхоначи (библиограф) 4 нафар;
6. Фаррош. 4 нафар.

Тошкент юридик коллежи маъмурияти

---

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»**

**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56.**

**Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.**

---

*Спорт янгиликлари*

## БАСКЕТБОЛЧИЛАР БАҲСИ

**ПОЙТАХТИМИЗДА БАСКЕТБОЛ БЎЙИЧА ЭРКАКЛАР ЎРТАСИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИ ҚИЗҒИН БЕЛЛАШУВЛАРГА БОЙ ТАРЗДА ЎТМОҚДА.**

«А» гуруҳида пешқадамлик қилаётган мамлакатимизнинг кўп карра чемпиони — «МҲСК» (Тошкент) баскетболчилари биринчи тур учрашувларида кетма-кет ғалаба қозонмоқда. Бу гал «МҲСК» жамоаси пойтахтнинг яна бир вакили — «Тошкент давлат техника университети» талабаларига қарши ўтказилган ўйинда 84:52 ҳисобида зафар қучди. Навоийнинг «Южанин» жамоаси эса «Университет» (Бухоро) баскетболчиларини 93:87 ҳисобида доғда қолдирди.

«В» гуруҳида эса Навоийнинг «Южанин-2» жамоаси етакчилик қилмоқда. Навоийликлар «Андижон давлат университети» (Андижон)ни 64:56, Самарқанднинг «Олимпия захираларини тайёрлаш маркази» баскетболчиларини 73:47 ҳисобида мағлубиятга учратди. Гуруҳдаги қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Нукус» (Қорақалпоғистон Республикаси) – «Андижон давлат университети» 68:76, «Ўзбекистон Миллий унивеситети» (Тошкент) - «Андижон давлат университети» 50:46, «2-сонли Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби» (Наманган) - «Нукус» 63:77, «Олимпия заҳираларини тайёрлаш маркази» - «Нукус» 81:68, «Ўзбекистон Миллий университети» – «2-сонли Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби» 81:73, «Андижон давлат университети» - «Олимпия захираларини тайёрлаш маркази» 87:56, «Нукус» - «Ўзбекистон Миллий университети» 64:80.

## ЁШ ТЕННИСЧИЛАР ИШОНЧНИ ОҚЛАМОҚДА

**ҲИНДИСТОНДА ЭРКАКЛАР ЎРТАСИДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН «ФЬЮЧЕРС» ТУРКУМИДАГИ ХАЛҚАРО ТЕННИС ТУРНИРИДА ЎЗБЕКИСТОНЛИК ТЕННИСЧИЛАР МУСОБАҚАНИНГ АСОСИЙ ТЎРИГА ЙЎЛЛАНМА ОЛИШДИ.**

Нуфузли турнирнинг саралаш босқичида икки нафар иқтидорли ёш теннисчимиз - Рифат Биктяков ва Жаҳонгир Ҳайдаров муваффақиятли иштирок этди. Ўз фаолияти давомида ўсмирлар ўртасида кўплаб халқаро турнирларда ғолиб чиққан Р.Биктяков катталар мусобақаларида ҳам муносиб қатнашмоқда. Моҳир теннисчимиз «Фьючерс» турнирининг асосий тўрига бериладиган йўлланмани қўлга киритиш учун мезбонлар вакиллари - Викаш Чауханни 6:4, 7:5, Суреш Кришнани 6:1, 6:7, 6:2 ҳисобида мағлуб этди.

Жаҳонгир Ҳайдаров ҳам ҳиндистонлик теннисчиларга қарши кортга чиқди. Ҳамюртимиз дастлабки баҳсда Хари Чидамбарамдан 6:1, 6:2 ҳисобида устун келди. Иккинчи учрашувда Ж.Ҳайдаров биринчи сетда Викрам Реддига 6:7 ҳисобида имкониятни бой берган бўлса-да, кейингисида 6:1 ҳисобида устун келди. Ҳал қилувчи учинчи сетда 2:0 ҳисобида ортда қолаётган В.Редди беллашувни давом эттиролмаслигини билдириб, ўзбекистонлик теннисчи ғалабасини тан олди.

Асосий тўр беллашувларида Рифат Биктяков ва Жаҳонгир Ҳайдаров сафига тажрибали ракетка устаси Важа Узоқов ҳам қўшилади.

## ОЛИМПИАДА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ПАЛЛАДА

**ГЕРМАНИЯНИНГ ДРЕЗДЕН ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН ЎТТИЗ САККИЗИНЧИ ЖАҲОН ШАХМАТ ОЛИМПИАДАСИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР БАҲСИДА ИШТИРОК ЭТАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИ ЮЗДАН ЗИЁД МАМЛАКАТ ВАКИЛЛАРИ ОРАСИДА КУЧЛИ ЎНЛИККА КИРИШ УЧУН КУРАШМОҚДА.**

Асосан ёш шахматчилардан таркиб топган терма жамоамиз саккизинчи турда дунёнинг энг кучли жамоаларидан ҳисобланган францияликлар билан 2:2 ҳисобида дуранг ўйнади. Н.Мўминова - А.Скрипченко, О.Собирова - С.Солас партияларида ғолиб аниқланмади. Учинчи тахтада ўйнаган Ҳ.Тоҳиржонова С.Милега ютқазиб қўйган бўлса, жаҳон шахмат олимпиадасида мағлубиятсиз ўйини билан мухлису мутахассислар эътиборини қозонаётган Н.Нодиржонова тажрибали рақибаси М.Леконтени мот қилиб, ҳисобни тенглаштирди.

Кейинги учрашувда Болгария шахматчилари ҳамюртларимизнинг 2,5:1,5 ҳисобидаги устунлигини тан олишга мажбур бўлди. И.Геворкян ҳамда Н.Нодиржонова рақибалари — М.Велчева ҳамда Э.Раевани мот қилган бўлса, О.Собирова кескин ва муросасиз ўтган партияда Э.Жингарова билан durангга эришди.

Икки муваффақиятли ўйин натижаси терма жамоамизни ўнинчи турда мусобақада чемпионлик учун курашаётган АҚШ шахматчиларига рўбарў қилди. Кучли рақибга қарши ўтказилган учрашувда шахматчиларимиздан фақатгина Н.Нодиржонова К.Рохонян билан дуранг ўйнаб, ярим очко олишга эришди.

Ҳозирча сўнгги - ўн биринчи тур олдидан олтита ғалаба, битта дуранг ва учта мағлубият қайд этган терма жамоамиз ўн уч очко билан кучли ўнликка кириш имкониятини сақлаб турибди.

154 мамлакат вакиллари қаторида эркаклар ўртасидаги баҳсларда қатнашаётган Ўзбекистон терма жамоаси сўнгги учта учрашувда уч хил натижа қайд этди. Саккизинчи турда Швеция вакилларига қарши дона сурган ҳамюртларимиз 1,5:2,5 ҳисобида енгилди. Олимпиадада мағлубиятсиз ўйнаётган жаҳон чемпиони Р.Қосимжонов швед гроссмейстери Э.Берг билан дурангга рози бўлди. Ш.Сафин эса П.Карлссонни енгиб, терма жамоамиз ҳисобига бир очко қўшди.

Ўзбекистонлик шахматчилар Қирғизистон терма жамоасига фақатгина ярим очко беришди. С.Йўлдошев - Н.Самаков, Ж.Ҳамроқулов - Б.Такирбашев, Ш.Сафин - С.Давлатбеков партияларида ҳамюртларимизнинг қўли баланд келди. А.Барсов ва С.Тўлагантегин учрашувида кучлар тенг келди.

Ўнинчи турдан жой олган Ўзбекистон - Австрия баҳсида 2:2 ҳисоби қайд этилди. Р.Қосимжонов ва М.Раггер, А.Барсов ва В.Атлас ўзаро баҳсда дурангга рози бўлишди. Ж.Ҳамроқулов Ш.Киндерманни енгган бўлса, Ш.Сафиндан устун келган З.Баумеггер умумий ҳисобни тенглаштирди.

Ўзбекистон терма жамоаси ўнта учрашувда бешта ғалаба ва иккита дуранг қайд этиб, жами ўн икки очко жамғарган.

**Боҳир БЕК**

---

## ҚУТҚАРУВЧИЛИК КАСБИГА БАҒИШЛАНДИ

**ТОШКЕНТ ФОТОСУРАТЛАР УЙИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИГИ ТАШАББУСИ БИЛАН «ҚУТҚАРУВЧИЛИК – ШАРАФЛИ КАСБ» МАВЗУСИДА ДАВРА СУҲБАТИ ВА ФОТОКЎРГАЗМА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.**

Тадбирда Фавқулодда вазиятлар вазири ўринбосари подполковник Х. М. Абдулазизов, вазирлик ходимлари, Ҳарбий телекоммуникация йўналишидаги Тошкент академик лицейи талабалари иштирок этди.

– Касбимизга қизиқиш уйғотиш ниятида вазирлик ташаббуси билан Тошкент давлат техника университетининг "Ҳаёт хавфсизлиги асослари" факультети, Тошкент ҳарбий телекоммуникация лицейи, ҳарбий билим юртлари, боғча ҳамда мактабларда тарғиботни кучайтириш мақсадида кўплаб тадбирлар ташкил этилаётир, – дейди, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги бошқарма бошлиғи подполковник Фарҳод Абдуллаев.— "Қутқарувчилик-шарафли касб" мавзусидаги давра суҳбати ва фотокўргазмани ташкил этишдан асосий мақсад ҳам мамлакатимиз ёшларини вазирлик фаолияти, мақсад ва вазифалари билан яқиндан таништириш, уларда ватанпарварлик, халқпарварлик фазилатларини шакллантириш, қутқарувчилик касбига меҳр-муҳаббат, ҳавас уйғотишдир.

Давра суҳбати икки қисмдан иборат бўлиб, биринчиси вазирлик фаолиятига бағишланди. Фотокўргазмада вазирлик қутқарувчиларининг фаолияти, фавқулодда вазиятларда уларнинг ҳаракатлари, қўмондонлик-штаб, тактик-махсус ўқув машқлари жараёнларидан лавҳалар акс эттирилган бўлиб, улар ёшларнинг Фавқулодда вазиятлар вазирлиги фаолиятига оид тушунчаларини бойитишга хизмат қилади. Шунингдек, тадбирда қутқарувчилик соҳасига оид асбоб-анжомлар ҳам намойиш этилиб, улардан фавқулодда вазиятлар чоғида фойдаланиш тартиби, усул ва қоидалари талаба ёшларга ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан тушунтирилди. Бундан ташқари, тадбирда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги фаолиятига бағишланган "Фавқулодда вазиятлар юзага келса..." ҳужжатли фильми намойиш этилди. Фильмда вазирлик томонидан аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар атрофлича ҳикоя қилинади.

– Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг мақсад вазифаси аҳолини айниқса, ёшларни фавқулодда вазиятлар содир бўлганда оқилона ҳаракат қилишга оид билимларини мустаҳкамлашдан иборат, – дейди, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тарбиявий ишлар бошқармаси бош мутахассиси Баҳодир Валиев. – Ёз мавсумларида дам олиш оромгоҳларида ёшларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича боғча ва мактабларда ҳамкорликда тадбирлар амалга оширилмоқда. Ёшларнинг фавқулодда вазиятлар содир бўлганда қандай ҳаракат қилишлари Фуқоро муҳофазаси институти, қутқарувчиларни қайта тайёрлаш ўқув маркази ҳамкорлигида амалга оширилаётган тадбирларда алоҳида таъкидланмоқда. Бу ёшларнинг қутқарувчилик касбига бўлган қизиқишини орттирмоқда. Ёш, шижоатли ҳарбий хизматчилар турли фавқулодда вазиятларнинг олдини олишда, инсонларга инсонпарварлик ёрдамини кўрсатишда, уларни қалтис вазиятлардан қутқариб қолишда жасорат кўрсатишмоқда. Уларнинг хизматлари ҳукуматимиз томонидан муносиб баҳоланиб, медал ва орденлар билан тақдирланаётир.

Давра суҳбатининг иккинчи қисми – Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги тадбирларига бағишланди. Унда мутахассисларнинг кўҳна Тошкент шаҳри тарихига оид маърузалари тингланди. "Кўҳна Тошкент шаҳрига саёҳат" мавзусидаги ҳужжатли фильм тадбир иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

**Рустам ҲАЙДАРОВ, «Туркистон-пресс»**



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г- 1006

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3282 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 6

Топширилган вақти: 13.20